Ушбу сонда:

2 *Орамиздаги одамлар* **ИШГА ЮРИНГ, ҚЎШНИЖОН**

3 **ОНА ОЛАМНИ ТЕБРАТАДИ** жалақудуқлик хотин-қизлар ҳаётига бир назар

4 **ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 3 июл, шанба № 107 (1740)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июл куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москвага жўнаб кетди.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг, энг аввало, бошланғич синфлар ўқитувчиларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бошланғич синфлар ўқитувчиларига амалдаги ҳар ойлик устамалар Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига дафтарларни текширганлик учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг ўрта ҳисобда 30 фоизидан 50 фоизигача миқдорда оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим муассасалари ўқитувчилари иш ҳақига устамалар ва қўшимчаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун бюджетдан зарур маблағлар ажратсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори 1-бандининг умумтаълим мактаблари ҳамда барча тур ва номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ тўлашга доир қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва А.А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 июл

Кейинги пайтда юртимизда халқаро микёсдаги бир катор муҳим сиёсий вокеалар бўлиб ўтганидан халкимиз яхши хабардор. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШҲТ) Тошкент саммити минтақамиз истикболига доир қабул қилинган муҳим ҳужжатларга, халкаро терроризм ва экстремизмга карши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бойлиги, ишчанлик руҳида ўтгани билан бутун дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди.

ТОШКЕНТ САММИТИ

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР

Бу нуфузли учрашувнинг юксак савияда ўтиши ва умуман, мазкур анжумандан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда саммит ишига раислик қилган Ўзбекистон раҳбарининг хизмати катта бўлгани ҳам кўпчилик томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ушбу анжумандаги нутқида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сурилган ғоя ва таклифлар саммит ишининг маъно-мазмунини белгилаш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Юртбошимиз ўз нутқида саммит иштирокчиларига мурожаат қилар экан, кун тартибига қўйилган масалалар ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўйлайманки, Тошкент саммити ШҲТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдиришдаги якуний босқич сифатида тарихда қолади, деди Ислом Каримов.

Ҳозирги вақтда Пекинда ШҲТнинг котибияти иш олиб бормоқда. Тошкентда Минтақавий антитеррор маркази тузилди. Ўтган давр мобайнида уч бор йиғилиш ўтказган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ўз олдига қўйилган вазифаларни изчил бажармоқда, ШҲТнинг Мувофиқлаштирувчилар кенгаши тезкор, ўта муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Ушбу саммит арафасида ШҲТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви ҳамда иқтисодиёт ва савдо вазирларининг мажлиси самарали ўтганини алоҳида қайд этиш зарур. Буларнинг барчаси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган даврда бажарилган жами ишлар ШҲТ мамлакатлари, биринчи галда, Россия ва Хитой раҳбарларининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ўз зиммасига шу минтақада яшовчи халқлар хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш масъулиятини олишга қодир бўлган нуфузли халқаро ташкилотга айлантиришга қаратилган қатъий иродаси ва азму шижоати туфайли амалга оширилди.

ШҲТ фаолиятининг истиқболи ва самарадорлиги кўп жиҳатдан БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш ана шу икки етакчи давлат - Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасининг фаол иштироки ва ҳамкорликдаги ҳаракатларига боғлиқ, десам, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари, Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва биринчи навбатда углеводород заҳиралари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётганини қайд этди. Хусусан, Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди.

Воқеалар ижобий йўналишда ривожланаётганига қарамай, Афғонистон вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тинч йўл билан қайта тиклаш учун жиддий ёрдамга эҳтиёж сезмоқда. Бу заминда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани, айниқса, катта хавотир уйғотади.

Минтақа мамлакатларидаги вазиятга хавф соладиган халқаро террористик, экстремистик ва айирмачи кучларнинг фаоллашаётгани ҳам қаттиқ ташвиш уйғотмай қолмайди.

(Давоми 2-бетда)

КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРМОҚДА

Жанубий Корея ва Япония билан ҳамкорликдаги «Кобул-Фарғона-компани» қўшма корхонаси иш бошлаганига икки йил бўлди. Шу қисқа давр ичида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги билан фарғоналикларнинг ғурурига айланди. Негаки, бу ерда тайёрланаётган калава-ип ва газламалар экспортбоплигини исботлади.

Шу йилнинг январ-июн ойларида корхонада 24 миллиард 329 миллион 684 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги эътиборга молик. Натура ҳисобида 8 минг 277 тонна калава-ип, 6 минг 271 погон метр ип газлама тайёрланди.

Қувонарлиси, 17 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилинди. Шу йил якуни бўйича экспорт миқдорини 42 миллион 600 минг АҚШ долларига етказиш мўлжалланмоқда.

Суратларда: калавалаш цехи бригада етакчиси Холисхон Гайдулина; экспортга тайёрлаш бўлими илғор ишчиси Зухра Хусанова

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

АВГУСТ

тармоқ касаба уюшмалари ойи

Бозор иқтисодиёти касаба уюшма ташкилоти етакчиларидан ишга ижодий ёндошувни, янги иш услубларини изчиллик билан амалиётга татбиқ этишни тақозо этмоқда. Республика енгил, мебел саноати ва коммуналмаиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг раёсат йиғилишида айнан шу ҳақда гап борди.

Йиғилишда «2004 йилнинг август ойи – тармоқ касаба уюшмалари ойи» деб эълон қилинди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад жойларда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларидан аввал бошланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишиш, илғор иш услубларини оммалаштиришдан иборатдир. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тизимдаги корхоналарда қандай бажарилаётганлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди. Андижон, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида иш ҳақини вақтида тўлаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида тармоқ касаба уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди. Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида бу борада келишувлар ва жамоа шартномалари орқали кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, мазкур йўналишда Андижон ва Бухоро вилоятларида 3 ва 6 тадан, Навоий ва Самарқанд вилоятларида эса 4 ва 6 тадан худудий келишувлар тузилган. Уларнинг деярли барча бандлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилгандир.

Андижон вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасида ойлик маош ва унга тенглаштирилган бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида бериш масаласи икки марта раёсат йиғилишида кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилиниб, бажарилиши доимий назоратга олинди. Ишни янада такомиллаштириш мақсадида вилоят касаба уюшмалари Кенгаши билан ҳамкорликда «Қонун ва меҳнат бир сафда» деб номланган услубий қўлланма нашрдан чиқарилди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Самарқанд вилояти тармоқ корхоналарида ҳам иш ҳақидан қарздорлик сезиларли даражада камайди. Енгил саноат корхоналари ўртасида тузилган ҳудудий тармоқ келишуви таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йили вилоятда 4363,3 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланди. Бу меҳнаткашларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширди. Натижада ходимларни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасида катта имконият яратди.

Ташаббус

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари вилоят тармоқ вакилликлари бошчилигида янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор беришмоқда. Андижон вилоятида 790 та, Бухорода 119 та, Навоий вилоятида 153 та, Самарқандда 941 та янги иш ўрни ташкил этилганлиги фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашиб бораётганлиги сабабли мазкур вилоятларда 3600 нафарга яқин ходим қайта ўқитилди. Меҳнат биржалари орқали эса 1487 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Лекин иш ҳақини ўз вақтида тўланишини таъминлашдек ўта муҳим тадбир барча жойларда рисоладагидек кетаяпти, деб бўлмайди. Айрим корхона ва ташкилотларнинг иш берувчилари ҳамда касаба уюшма қўмитаси етакчиларида масъулият ҳисси пасайиб кетган.

(Давоми 2-бетда)

МАГИСТРЛАРГА ОҚ ЙЎЛ

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида битирувчи магистрларга диплом топшириш маросими ўтказилди.

Инсон ҳаётида унутилмас дамлар кўп бўлади. Кўзларида севинч туйғулари уфуриб турган битирувчилар учун ҳам магистрлик дипломини олган кунлари энг қувончли ва эсда қоларли кунлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Улар бу онларни ўн йил кутишди.

Бу йил мазкур даргоҳни 72 нафар магистрлар битирмоқда. Улар жарроҳлик, кардиология, гинекология, офталмология, наркология каби жами 16 та мутахассислик бўйича таълим олиб, шифокорлик сир-асрорларини ўргандилар. Бу йил ушбу таълим даргоҳида республикамизда илк бор оилавий шифокор магистрлар тайёрланди.

Тадбирга сўзга чиққанлар битирувчи ёшларнинг инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли ва масъулиятли касб эгалари бўлганликлари билан табриклаб, уларга оқ йўл тилашди.

А.ҒАФФОРОВ

ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

Банклардаги накд пул тақчиллиги иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни вактида тарқатишда муаммолар туғдириши табиий. Ангренда бу муаммони бартараф этишнинг замонавий усуллари жорий этилмоқда - йирик корхона ва ташкилотлар сўм-пластик карточкаларидан кенг фойдалана бошлади.

«Ангрен» кўмир кони жамоаси - уларнинг бири. Мамлакатимизда қазиб олинаётган кўмирнинг 90 фоизини етказиб бераётган мазкур корхонада тўрт минг икки юз нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Иш ҳақини вақтида тарқатиш борасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Ангрен шаҳар бўлими билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Пластик карточкаларнинг қулайлигига ишонч ҳосил қилган корхона ишчи-хизматчиларининг салкам икки ярим минг нафари шу масалада банкка мурожаат қилди. Улардан кўпчилигининг номига сўм-пластик карточкаси расмийлаштирилди.

- Корхона ва ташкилотлардан сўм-пластик карточкаларига буюртмалар кўп. «Ангрен» кўмир кони ўтган йили уч минг дона буюртма берган эди. Биз мазкур замонавий тўлов воситасидан эмин-эркин, исталган пайтда фойдаланиш учун зарур шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз, - дейди Миллий банкнинг «Ангрен» бўлими бошқарув раиси ўринбосари Бекназар Бойназаров. - Ҳозир шаҳардаги икки дўконда терминал ишлаб турибди. «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва шаҳар электр тармоқлари корхонасига ҳам шундай ускуналар ўрнатилмоқда. Бу аҳолига кундалик эҳтиёж моллари харид қилиш, коммунал хизматлар учун ҳисоб-китобни сўм-пластик карточкалари орқали амалга ошириш имконини беради.

(ЎзА)

Мустакиллик йиллари мобайнида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими жаҳон ҳамжамиятининг энг илғор ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган ҳолда ривожланиб келмоқда. Булар бош Комусимизнинг XXIII боби ва тегишли моддаларида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида», «Фуқароларнинг сайлов ҳуқукларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Конунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА САЙЛОВЧИЛАР

Сайлов жараёнининг кўппартиявийлик ва муқобил асосда ўтказилиши депутатликка номзодларнинг фаоллиги ҳамда уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини оширади. Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий демократияни кучайтиради, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, сайлов маданиятини оширишга, мустаҳкамлашга олиб келади.

2004 йил 26 декабрда ўтказиладиган бўлажак парламент сайлови илгариги сайловлардан фарқ қилади. Бу авваламбор сайловга доир қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар билан боғлиқ. Ўз фаолиятини доимий олиб борадиган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси шакллантирилиши муносабати билан сайловларда сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ошади. Улар сайловчилар ташаббускор гуруҳлар билан бир қаторда парламентнинг қуйи палатасига сайловда иштирок этадилар. Таъкидлаш жоизки, бу сайловда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатликка номзодлар кўрсатишда қатнашмайди.

Парламентнинг юқори палатаси – сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Сенат аъзолари сайлови қонунчилик палатаси депутатлари сайловидан фарқ қилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда олти кишидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Конституциянинг 77-моддасига биноан сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлади. Сайловда ҳар бир округ учун белгиланадиган сайловчилар нормаси сезиларли даражада ошади. Агар илгари ҳар бир округдан сайловчилар миқдори тахминан 50 минг кишини ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич деярли икки маротаба кўпаяди.

Қонунчилик палатасига эса сайланиш ҳуқуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадир. Илгари судланган фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмас эди. Эндиликда бу қоида фақат содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик олиб ташланмаган фуқароларга тааллуқлидир.

Сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишни кўзда тутади. Бу ҳуқуққа Қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар. Мамлакатимизда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сайлов тизими турли даврларда ҳар хил қўлланилган. Масалан, дастлаб сайлов ҳуқуқи фақат эркакларга берилган. XX асрда эса эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилган. Айрим давлатларда қуйидаги сайлов ҳолати мавжуд: ёши (кўпчилик давлатларда), ижтимоий (Буюк Британия ва Франция ҳарбий хизматчилар сайловда иштирок этмайди), ўтроқлилик цензи (Бельгия, Австрия, Швеция, Голландия, Германия давлатларида номзоднинг муайян ҳудуддэ вақтинчалик ёки доимий яшаши). Фаол сайлов ҳуқуқида ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бунда фуқаро вояга етиши билан давлат ҳокимиятининг бошқарув идораларида бўладиган сайловларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Мисол учун Бразилияда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш 1974 йил 5 июлдан қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва сайловга 45 кун қолганида тугайди. Ҳар бир сиёсий партиянинг юқори органи депутатликка 120 нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳақлидир. Сайлаш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида 100 нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Ушбу масала округ сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинган тақдирда депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида 8 фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт. Демак, ушбу талабларга риоя этилган тақдирдагина сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодни рўйхатга олишни Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлади. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Депутатликка номзод ўз хоҳишига кўра беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

(Давоми 3-бетда)

ТОШКЕНТ САММИТИ

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР

(Боши 1-бетда)

Ислом Каримов ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатнинг ва бутун минтақанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, коммуникация ва транспорт соҳаси, сув-энергетика ва хомашё заҳираларидан, инсоний салоҳиятдан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни ўзаро келишиш ва мувофиқлаштириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Минтақага хорижий капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шу мақсадда бу ҳудуддаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган шарт ва қоидаларни шакллантириш лозимлигини уқтириб ўтди.

Марказий Осиё ҳар бири ўзига хос тарихий, этник-маданий илдизларга, диний ва ижтимоий турмуш тарзига, ўз менталитетига эга бўлган мамлакатлар ва халқлар яшайдиган минтақа эканини доимо ёдда тутиш муҳим, деди Ўзбекистон Президенти. Уларнинг ҳар бири вазмин, жуда эътибор билан, таъбир жоиз бўлса, ҳурмат-эҳтиром билан ёндашишни талаб қилади.

Марказий Осиёда юз бераётган кўплаб воқеаларни тушунишнинг калити ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида мужассам, десак, хато бўлмайди.

Айнан ана шу омилларни ҳисобга олмайдиган барча ташаббуслар, ўйлайманки, самарали ва муваффақиятли бўлмайди.

Биз шунга қатъий аминмизки, ШҲТнинг биносини кўтариб турадиган асосий устунлар, энг муҳим йўналишлар - хавфсизлик ва иқтисодиёт бўлиши зарур. Ана шу икки устун ёки таъбир жоиз бўлса, аравaнинг икки ғildирагига таянган ҳолдагина, ШҲТ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг халқаро нуфузини, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги вазиятга мос тарзда ҳаракат қилишини таъминлаш мумкин.

Ислом Каримов Ўзбекистон ШҲТнинг устувор вазифаси сифатида эълон қилинган халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши муросасиз курашни сўзсиз қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Бугун ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида расмий очилиш маросими бўлиб ўтган Минтақавий антитеррор марказининг фаолияти айни ана шу мақсад ва вазифаларга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари. Ва ушбу тузилма фаолиятини такомиллаштириш ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги амалий таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг ўз вақтида ишга туширилиши ШҲТга аъзо барча мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, давлат раҳбарларининг бу масалага шахсий эътибори туфайли амалга ошди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг мақоми, энг муҳим фаолият йўналишлари ШҲТнинг давлат бошлиқлари даражасида тасдиқланган асосий ҳужжатлари билан белгилаб берилган. ШҲТнинг турли даражадаги учрашувларида Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятини бевосита шакллантириш ва ташкил қилиш билан боғлиқ жами 9 та ҳужжат қабул қилинди.

Ижозатингиз билан Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятининг баъзи муҳим томонларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти - бизнинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ва ягона ёндашув ва қарашимиз, десам, умид қиламанки, умумий фикрни айтган бўламан, деди Юртбошимиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид солаётган хатарларнинг умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур ва шарт.

Иккинчидан, Минтақавий антитеррор тузилмани ШҲТ мамлакатларининг тегишли хизматлари вакиллари - қўйилган вазифаларни юксак профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Минтақавий антитеррор тузилманинг бош идораси ходимлари уларни вакил қилиб юборган мамлакатлар пойтахтларидаги ўз ҳамкасблари билан боғланиш, мулоқот қилиш ва доимий алоқада бўлиб туриши жуда муҳим.

Учинчидан, биз ишонамизки, фақат махсус хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ва яқин ҳамкорликкина тезкор аҳамиятга эга бўлган ахборотлар билан ўз вақтида алмашиш, турли хавф-хатарларга қарши олдиндан зарба берадиган тадбирларни ҳамкорликда аниқ режалаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган ҳақиқий самарали алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради.

Тўртинчидан, Минтақавий антитеррор тузилма БМТ, АСЕАН, Интерпол, Европол сингари етакчи халқаро ташкилотларнинг антитеррор марказлари билан амалий ҳамкорлик учун очиқ бўлиши лозим.

Бешинчидан, агарки халқаро терроризм ва унинг ортида турган экстремистик марказлар ва кучлар катта молиявий ва бошқа ресурсларга, ўзгараётган вазиятга қараб тез шаклини ўзгартириш ва мослашиш қобилиятига эга бўлса, бундай балоқазога қарши курашиш уларга махсус кўптомонлама ҳамкорлик усулларини ва биринчи навбатда олдиндан пайини қирқиш ишларини қўллашни талаб қилади.

Ва ниҳоят, олтинчидан, ШҲТ иш юритишнинг фақат куч ишлатиш ва ҳуқуқ-тартибот усуллари билан чекланиб қолмаслиги лозим. Муаммога кенгроқ қараш зарур. Бизнинг назаримизда, терроризмнинг мафкуравий негизи ва манбаларини таг-томири билан қўпориб ташлаш учун бутун бир тадбирлар мажмуи, жумладан, маънавий-маърифий, таълим, тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни амалга ошириш лозим.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солади, деб ишонтириб айтмоқчиман, деди мамлакатимиз раҳбари.

ШҲТ доирасида террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида сўз борар экан, менинг назаримда жуда муҳим ҳисобланган қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб.

Биз фақат террорчилик кўринишларининг ўзига, портлашлар содир этиб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётганларга қарши кураш билан чекланмаслигимиз керак. Булар аслида биз терроризм деб атайдиган найзанинг бир учи, холос.

Авваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини заҳарлаётган ва биринчи галда ёшларни йўлдан оздираётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер яратаётганларга қарши курашиш даркор.

Ўзбекистон Президенти ҳеч қайси мамлакат наркоагрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм ва айирмачилик каби иллатларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтишига бефарқ қарайдиган шунчаки «транзит» бўлолмаслиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади. Афсуски, баъзи қўшни ҳудудларда бу борада ўзгача фикрлар ҳам қулоққа чалинмоқда. Ёвузлик найзаси ҳозирча гўё бошқаларга қаратилганига ишониб, бундай офат ва таҳдидларга қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайдиган тушунча эканини ҳаётнинг ўзи такрор ва такрор исботламоқда. Шу боис ШҲТнинг жавобгарлик ҳудуди деган тушунча истеъмолга киришга ҳақли ва бунинг учун барча асослар бор.

Энди ШҲТнинг иқтисодий тузилмаларини кучайтириш зарурати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман, деб Президентимиз саммит иштирокчилари эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантиришни биз бу вазифани тубдан ҳал этишнинг ечимларидан бири деб биламиз. Бу вазифанинг амалга оширилиши, бизнинг назаримизда, минтақа мамлакатлари ва халқларининг туб стратегик манфаатларига мос келган бўлур эди. Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг фаол иштирокида умумий бозор тузиш бугун амалда бўлган тор миллий доирадаги бозорлар ўрнига минтақада товарлар ва хизматларнинг, меҳнат ва сармоянинг ягона ёндашув, ягона қонуний меъёр ва қоидалар жорий этилган йирик ва жуда кенг кўламли бозорини шакллантириш имконини беради.

Шу тариқа хорижий сармоя ва илғор технологияларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилади. Бу эса пировардида иқтисодиётни барқарор ўстириш ва одамлар турмуш даражасини оширишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Ислом Каримов Ўзбекистон томони саммит йиғилишида Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтадиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўналишлари ва йўналишлари борасида илгари сурилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Бу ғоя ва таклифлар ўз навбатида ШҲТга аъзо давлатлар билан Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтирувчи омилга айланиши мумкинлигига эътиборни қаратди.

Афғонистонни минтақавий муаммоларни ечишга жалб этиш, мамлакатни тинчлик йўли билан қайта тиклаш жараёнида зарур ёрдамни кўрсатиш мақсадида ШҲТ давлатларининг Афғонистонга кўмаклашиш бўйича ўзаро келишилган аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига уч йил бўлди, деди Ислом Каримов ўз нутқини якунлар экан. Ўтган давр мобайнида эришилган асосий натижа шуки, ШҲТ амалий фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланиб бўлди. Ишончим комилки, ҳозирги шиддат билан ўзгараётган дунёда халқларимиз фаровонлиги йўлида муносиб ўрин эгаллаш учун ШҲТ, шубҳасиз, катта имкониятларга эга.

Ўз навбатида шуни ҳам айтиш керакки, давлатимиз раҳбари нутқида кўтарилган масалалар ижросини таъминлаш, авваламбор, минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

(ЎзА)

АВГУСТ

тармоқ касаба уюшмалари ойи

(Боши 1-бетда)

Андижон вилоятидаги «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухородаги «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси, «Бухоро ипаги» акциядорлик жамияти, шунингдек, Самарқанд вилоятидаги «Иссиқлик манбаи» корхонасини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Шу ерда ҳақли савол туғилади. Ишчи ҳар куни ишга келса-ю, маошини ўз вақтида ололмаса, қандай қилиб корхонага, ўзи бажараётган ишга меҳр қўйсин?

Кўринадики, аксар ҳолатларда касаба уюшма етакчилари иш берувчини судга бериш, етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириб олиш борасида етарлича қатъият кўрсатишмаяпти. Шу ўринда Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги бошланғич ҳамда тармоқ вилоят касаба уюшма қўмиталари иш ҳақидан қарздорлик масаласи юзасидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида даъво аризаси билан хўжалик судига бирон марта ҳам мурожаат этмаганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Маълумки, юқорида тилга олиб ўтилган Вазирлар Маҳкамаси қарорида иш ҳақини товар маҳсулотлар билан тўлаш қатъиян тақиқланган. Афсуски, бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга ҳамон йўл қўйилмоқда. Хусусан, бу «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси ва Самарқанд шаҳридаги «Нафис» ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилган.

Тармоқ корхоналаридаги қабул қилинаётган жамоа шартномалари тўғрисида шуни айтиш мумкинки, уларнинг айримларида ЎзКУФК, тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси тавсияларига тўла амал қилинмаяпти. Хусусан, меҳнат қонунчилигига зид равишда ходимлар ҳуқуқларини чекловчи бандлар киритилиши ҳолатлари учрамоқда. Шу билан бирга баъзан жамоа шартномаларида Меҳнат Кодекси талабларига амал қилинмаган ҳолда иш ҳақи бериш муддатини бир марта қилиб белгилаш учрамоқда. Таҳин тўлов кечикишига сабабчи шахсларга чора қўллаш, ходимларнинг айбсиз бекор туриб қолганликлари учун ҳақ тўлаш, икки ва ундан зиёд фарзандлари бўлган аёллар учун имтиёзлар ҳамда шунга ўхшаш бир қатор масалалар жамоа шартномаларида ўз аксини топмаётир. Айнан шу масалаларга Навоий вилоятидаги «Коммунхизмат» масъулияти чекланган жамияти, «Коммундренаж» бошқармаси, «Пилла» ҳиссадорлик жамияти, Андижондаги «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхонаси касаба уюшма қўмиталари алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Йиғилишда жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтиши алоҳида таъкидланди. Зеро, бу муҳим тадбирга пухта ҳозирлик кўриш фаолиятдаги асосий муваффақиятни белгилайди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Қувалик ғаллакорлар фидокорона меҳнатлари эвазига 6080 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар.

Эндиликда муҳим масала олинган ҳосилни сифатли қабул қилиб, сақлаш ва қайта ишлашдир. «Қувадон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти бош иқтисодчиси Ёқубжон Ҳамидов бу ҳақда шундай деди:

– Янги талаблардан келиб чиққан ҳолда 20 нафар ходимлар ширкат ва фермер хўжаликларида бўлиб, деҳқонлар орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Ўзимиз ҳам мавсумга катта тараддуд кўрдик. Корхонани таъмирлаш ишларига 20 миллион сўм сарфланди. Лаборатория таъмирланиб, янги ускуналар билан жиҳозланди.

Суратда: марказий пульт бошқарувчи оператори Ҳ.Усканбоев иш пайтида.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Яхши отга бир қамчи

Ёш авлод мактабда мустаҳкам билим олса, унинг кейинги таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш жараёнлари ҳам бир текис давом этади. Яъни зиё масканида ўқиб-ўрганганлари унга жуда аскотади. Ўғил-қизларимиз яхши ўқиши учун эса биринчи навбатда замон талабларига жавоб берадиган билим даргоҳларига эга бўлишимиз керак. Афсуски, бундай билим қошоналари, айникса, кишлоқ жойларида бармоқ билан саналарли. Борларининг ҳам аксарияти жиддий таъмирга мухтож.

МАКТАБЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, туманларда кўплаб мактаблар яроқсиз аҳволда экани тўғрисида куюниб гапирган, энди аҳвол бундай давом этиши сира мумкин эмаслигини таъкидлаган эдилар.

Яхши отга бир қамчи, деган гап бор халқимизда. Ўқув йили тугаши билан ҳомийлар, саховатли инсонлар кўмагида, қолаверса, ўзимиз ҳам ички имкониятларни излаб топиб, мактаблар таъмирини жадаллаштириб юбордик. Нуриддин Тошев раҳбарлигидаги 40-мактаб жамоаси биринчилардан бўлиб ўқув маскани биносини кўркам ҳолга келтириб қўйди. Йўлак ҳамда синфхоналар шифтдан полгача сифатли қилиб оқланди ва бўялди. Эскирган жиҳозлар алмаштирилди.

4-мактабда эса таъмирлаш ишлари кун сайин авж олаяпти. Жамоа бошланғич қаторлари 6- ва 11-мактабларда бўлишди. Кўриб, шароитни ўрганиб хорижлик ҳомийлар 6-мактабнинг спорт зали ва ошхона томини ёпишни, шунингдек, маиший хизмат хоналарини мукаммал таъмирдан чиқаришни зиммаларига олишди. Ушбу зиё масканини оталиққа олган тумандаги 16-қурилиш ташкилоти эса бинонинг олд қисмини мармар сувоқдан чиқаради. Бунинг учун 2 миллион сўм сарфлаш режалаштирилган.

Мактаб директори, фидойи педагог Қулмуҳаммад Ёралиев жонкуярлиги билан ота-оналар қўмитаси, шу атрофдаги маҳаллалар фаоллари тез-тез бу ерга йиғилишади. Муаммо ва камчиликларни биргаликда ҳал этишади. Қурилиш-таъмирлаш ишларида бошидан охиригача ўзлари бош-қош бўлишади. Таъмирлаш-жиҳозлаш ишлари август ойининг ўрталарида ниҳоясига етказилади.

Саидазим АХТАНОВ,
Оққўрғон туман халқ таълими бўлими қурувчи-муҳандиси

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи Бухоро нефт ва газ саноати коллежига ўқув-услубий қўлланмаларни сотиб олиш учун 10 миллион сўм маблағ ажратди.

Коллеж директори Замир Адизовнинг айтишича, бу бўлажак нефт-газ мажмуи мутахассисларининг билим ва малакаларини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, завод директори Шамсиддин Саидаҳмедовнинг буйруғи билан ўқув даргоҳига Отойўл автобуси ажратилди. Талабалар бу автобусда амалий машғулотлар ўтказиладиган Қоровулбозор, Газли, Муборак ва Шўртандаги корхоналарга бориб келишади.

Коллеж саккиз йўналишда мутахассислар тайёрлайди. Биргина ўтган йили 140 нафар талаба ўқув масканининг сиртқи бўлимини, 248 нафар ёшлар эса кундузги бўлимини тугалладилар. Диплом олган 44 нафар ёшлар эса кейинги йилларда нефт-газ соҳаси жадал суръатда ривожланаётган Қорақалпоғистоннинг Устюрт минтақасига ишга йўлланма олишди.

"Туркистон-пресс"

Орамиздаги одамлар

ИШГА ЮРИНГ, ҚЎШНИЖОН

Маҳалла оксоқоли Абдуҳаким ота уйига қайтар экан, марҳум ошнаси Турдивойнинг катта ўғлига дуч келди. Салом-аликдан сўнг отахон гап очди:

– Бу нима юриш ёки бугун дамми?

– Оббо, отахон-эй, жуда синчковсизда. Тўғри, ҳар куни шу пайтда ишга отланардим. Мана 3-4 кун бўлдики, корхонамиз вақтинча тўхтаб, ишчиларга жавоб беришди. Бирон ойдан сўнг чақириб олишармиш.

Абдуҳаким ота узр айтиб, аста уйи томон кетди. Нонушта пайтида ҳам «Аттанг, жўжабирдай йигит ишсиз қолибди-да» деб ғудраниб қўяркан кампирнинг «а, яима деяпсиз?» деган сўроғини ҳам эшитмади.

Шу воқеадан сўнг орадан бир неча ой ўтиб, отахон яна кўчада Мўминжонни учратди. Йигит ҳар доимгидек ота қадрдон билан бафуржа ҳол-аҳвол сўрашаркан, оқсоқол унинг бирмунча жиддий тортиб қолгани ва маҳзун эканлигини сезди.

– Хўш, бўтам ўзингдан гапир. Соғ-омонмисан? Ишларинг юришиб кетдими?

Мўминжон ҳар қанча яширмасин, сиртига нимадир қалқиб чиққандек бўлди.

– Ҳа, бироз тобим йўғроқ, шекилли. Поликлиникага, кўрингани чиққандим. Арзимаган касаллик, ҳадемай ўтиб кетади. Аксига олиб, корхона ҳам ўтириб қолган...

Оқсоқол бир зум ўйга толган бўлди.

– Бирон жойдан иш суриштириб учрашдингми? Масалан, туман меҳнат бўлимига.

– Иш дегани йўқ эмаску-я, лекин менбоп иш чиқмаяпти. Сабр қилайлик-чи.

Абдуҳаким ота ортиқча йигитни ҳижолатга қодирмаслик учун йўл устида унга қўл очиб дуо қилди.

Бир қанча вақт ўтиб, оқсоқолнинг ён қўшниси уста Бурҳониддин ўзига ёрдамчи одам излаётганини суҳбат чоғида билдирганда Мўминжонни ишсиз эканлиги ёдига тушиб, дарҳол сергак тортди.

– Бор, излаган одамингизни мен биламан, барака топгур, бор... –деди у шошиб-пишиб, гўёки уста дурадгор гапидан айниб қоладигандек. – Бегона эмас, ўзимизни маҳалладан. Ўзи меҳнаткаш, маъқул бола, ҳар ишни эплайди.

– Яхши, аммо сизни овора қилишим қандай бўларкин. Мўминжонни танийман, лекин унинг ишсиз юрганидан бехабар эканман. Қаранг-а, деярли бир неча эшик нарибериси бўлган маҳалладош бўла туриб дардини билдирмапти-я? Розилиги бўлса, тортинмай менга учрасин.

Эшик очилиб, остонада Мўминжон кўринди ва оқсоқолни кўриб донг қотиб қолди. Довдираган ҳолда ота билан енгилгина сўрашган бўлиб, ичкарига таклиф қилди.

Абдуҳаким ота дарҳол муддаога ўтди.

– Ишга тушдингми, болам?

– Ҳозирча, йўқ.

– Бошқа мўлжалинг борми?

– Нақди бўлмаяпти...ҳайронман – деди йигит келбатига мос келмаган синиқ оҳангда.

Ота Мўминжонга яна бир кур синовчан назар ташлагач, ундай бўлса, ҳайрон бўлма. Кечагина маҳалламиздаги уста Бурҳониддин билан сен ҳақингда гаплашдик. Яқиндагина шогирдига мустақил иш юритиш учун фотиҳа бериб, янги ёрдамчи излаётган экан. Маъқул топсанг, уста сени кутяпти.

– Мўминжон шу куниёқ устага шогирдликка тушди. Буни қарангки, яхши одамлар маслаҳати ва ёрдамига таяниб, қунт билан яна касб ўрганишга қўл урган Мўминжон тез орада эл оғзига тушди. Бора-бора уни одамлар «уста Мўмин» деб йўқлайдиган бўлдилар.

Афсуски, бу орада маҳалланинг катта-ю кичиги эъзозлайдиган, бамаъни ва ширинсухан оқсоқол Абдуҳаким ота вафот этди. Кўпчиликни таклифи билан отанинг қабри яқинига шинамгина шийпон барпо қилинадиган бўлди ва уни кексайиб қолган уста Бурҳониддин кўрсатмасига биноан шогирди Мўминжон бор меҳр қўри билан уддалади.

Шокир ҚОСИМОВ

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этила бошланди ва бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тез орада хорижлик ҳамкорларга ҳам маъқул келди. Жумладан, Поп туманида Ўзбекистон-Швейцария-Туркия ҳамкорлигидаги «Исковуттекс» қўшма корхона ҳам жаҳон бозорида ўз ўрнини топиш учун дадил одим ташлади.

Мазкур корхонанинг Низом жамғармаси 4 миллион 800 минг еврони ташкил этади. Ушбу маблағ Швейцариянинг «Голдтекс Финанс АГ», Туркиянинг «Хан Текстил Санайи ве Тижарет ЛТД», «Ўзбекенгилсаноатинвест» акционерлик компанияси орқали йўналтирилган. Корхона ўз маҳсулотининг 95 фоизини жаҳондаги тўқимачилик корхоналарига экспорт қилишни режалаштирган.

– «Исковуттекс» йилига 4 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, юқори сифатли калава-ип тайёрлаш қувватига эга, - дейди корхона бош директори ўринбосари Орифжон Муҳиддинов. – Ҳозир корхонамизда 150 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Улар учун бепул тушлик, транспорт хизмати ташкил этилган. Дастлабки маҳсулотимизни хорижга экспорт қилиш тараддуддидамиз. Келажакда ишлаб чиқариш бўлимларини кенгайтириб, ишчилар сонини 200 кишига етказишни мўлжалланмоқдамиз.

– «Исковуттекс»да ишлаётганимдан фахрланаман, - дейди ип йигирувчи Гулҳаё Собирова. – Тўғриси, иш сўраб мурожаат этганлар жуда кўп эди. Ҳаммани синаб кўриб, кейин ишга олишди. Кўриб тургнингиздек, кенг, ёруғ, ҳамма имкониятлар яратилган корхонада меҳнат қиляпмиз.

Б.ТУРДАЛИЕВ

Масала кўндаланг қўйилди

МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИК МАСАЛАСИ

нега жамоа шартномаларига киритилмади?

Ишдан ҳориб қайтган Абдували кийимларини алмаштирди, сўрига ёнбошлади. Ҳозир табиатнинг энг гўзал палласи. Ўрик ва олмалар роса пишган. Ҳандалагу қовун, анжиру шафтоли нишона кўрсатди. Ҳафсала билан экилган помидор ва пиёз ҳосили мўл бўлганлигини айтмайсизми. Агар ичига пича жамбил солиб пиширилса, шўрва ўйнаб кетади-да. Шундай ширин хаёллар билан хотинига деди.

– Боплаб битта шўрва солмайсизми...

Келинпошша, сал фурсат жойида ўйланиб туриб қолди. Кейин норози оҳангда деди:

– Қуруқ помидор билан пиёзга овқат пиширадими, дадаси. Икки-уч кундан бери кўчадан қуруқ қайтяпсиз.

Абдували бармоғини тишлади. Дарҳақиқат, уйга гўшт олиб келганига бир ҳафтадан ошибди. Болаларнинг ҳозир айни еб-ичадиган пайти. Бу маош қурмагурнинг икки-уч ойдан бери қораси ўчган. У ишлаётган Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамиятидаги ҳисобчиларнинг айтишича, бу ерда иш ҳақидан қарздорлик 26 миллион 850 минг сўмни ташкил этди. Охирги марта ишловчиларга феврал ойи учун иш ҳақи берилган, холос. Раҳбарлар эса қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Касаба уюшма қўмитаси ҳам бу борада дурустроқ жон қойитмаётир.

Ажабланарлиси шундаки, касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасида иш ҳақини бериб бориш муддатлари Меҳнат Кодексида белгиланганига зид равишда ойига бир марта берилади, деб кўрсатилган. Бундай ҳолатларни туман маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси, Уйчи МТП, Матлубот агрофирмаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Касаба уюшмаларининг бирлаштирилган тармоқ миқёсида меҳнатни меъёрлаштириш ишларида иштирок этмаяпти. Меҳнатга ҳақ тўлаш фоизининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни тармоқ бўйича ўрнатиш борасидаги келишувлар имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Уйчи маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, Уйчи МТП, Матлубот агрофирмаси касаба уюшмалари ва маъмуриятлар ўртасида имзоланган жамоа шартномаларида иш ҳақи кечикиб берилганда, масъулларга чора кўриш бандлари киритилмаган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш йўлида қўрилган муҳим чоралардан биридир. Бу қарорда иш ҳақи ўз вақтида тўланиши учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлигини кучайтиришда жамоа шартномалари, бошқа тегишли ҳужжатлар аҳамиятини ошириш касаба уюшмаларига тавсия этилган. 2002 йилнинг октябр ойидан эътиборан меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирилган маблағларни давлат томонидан тартибга солиб туриш бекор қилинди. Бу билан ишчи кучи нархини жамоа шартномалари воситасида тартибга солиш имкониятлари кенгайтирилди.

Ҳозирги шароитда ходимларга иш ҳақи, нафақалар ва пенсияларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш масаласи долзарб муаммо сифатида касаба уюшмалари вазифаларининг узвий қисмига айланмоқда. Зеро, ойлаб маошларини ололмаётган ходимдан интизомга риоя қилишни, юксак унумдорликни, ўз устида ишлашни талаб қилиш мумкин эмас. Туман тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари ташаббусни тезроқ ўз қўлларига олмасалар бўлмайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Фармон ва ижро

Республика Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу мавзуга оид Вазирлар Маҳкамасининг куни-кеча матбуотда эълон қилинган қарори оналаримиз ва сингилларимизнинг айни дилидаги муддао бўлди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, оила, жамият, давлат қурилишидаги ролини ошириш – бугун давр шуни тақозо этмоқда.

Жалақудуқ тумани аҳолисининг 72448 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Аёллар 146 та бошланғич хотин-қизлар ташкилотларига уюшган. Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, улар меҳнатини рағбатлантириш, маиший турмуш шароитини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда туманда кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

ОНА ОЛАМНИ ТЕБРАТАДИ

жалақудуқлик хотин-қизлар ҳаётига бир назар



Санамхон Жумабоева Абдуллабий қишлоғининг ўтли-шудли, жонкуяр аёлларидан. Кимки ўғил уйлантирадиган, қиз чиқарадиган бўлса, албатта Санамхонга маслаҳат солади.

Йиғинларнинг бирида қишлоқда тикувчилик цехи очиш, хотин-қизлар бошини қовуштириб касб-ҳунарга ўргатиш, муқим иш ўринлари яратиш ҳақида гап борди. Бу тадорикнинг сабаби бор эди. Ўнлаб мактабларнинг битирувчи қизлари қаерга боради? Уй бекаларининг аксарияти иш ўринлари йўқлигидан ўзларини бозорга уряптилар. Хўш, сармоя-чи? Цех учун ишлаб чиқариш биноси қаердан топилади? Бу муаммолар ечимини топадиган, товонидан ўт чақнаб, елиб-югуриб «йўқни йўндирадиган Санамхоннинг ўзи» дейишди.

Санамхонга ўз ҳақ-ҳуқуқини таниши, муомала маданияти, жонсараклиги, банк, иқтисод, молиявий билими қўл келди. Дарҳақиқат, замон мулкдори «қирқ ҳунарнинг эгаси бўлиши керак». Санамхон туман Тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Сурайёхон Муҳаммадиевага учрашиб, ниятлари билан ўртоқлашди. Сурайёхон «Бизнес режа» тузиш, ҳамкорлар билан ишлаш, шартнома маданиятига амал қилиш ҳақида қимматли маслаҳатлар берди.Туман хотин-қизлар қўмитаси раисаси, ҳоким ўринбосари Мавлудахон Қурбонова кўмак беришини айтди. Чеварчиликка ихтисослашган хусусий фирма ташкил этилиши ҳақидаги ҳоким қарори лойиҳасини тайёрлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, банкда ҳисоб рақами очиш ишларига бош-қош бўлди.

Ҳокимлик аралашуви билан вилоятдаги тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватловчи «Аср» кредит уюшмаси томонидан қисқа муддатли қарз кўтариш масаласи ҳам ижобий ҳал этилди. Янги ташкил этилган «Санам» хусусий фирмасига кредит ажратилди. Маҳалладош хотин-қизларнинг орзулари ушалди. Болалар ва аёллар либослари тайёрловчи тикув-бичув цехи иш бошлади. Аввалига 4 нафар қиз-жувонлар ишга жойлашган бўлсалар, кейинчалик яна 18 та янги иш ўрни яратилди.

Маҳсулот тури ҳам кўпайди. Болаларбоп ва аёлларбоп кийим-кечаклар замонавий дизайни, бежиримлиги, пухта-пишиқлиги билан харидоргир. «Санам» ёрлиғи билан ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларга наманганлик, фарғоналик тадбиркорлар буюртма бера бошладилар.

Кўрганингиздек, туман хотин-қизлар қўмитасининг ибратли ишлари талайгина. Қўмита аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақомини ошириш, тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятига жалб этиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан изчил иш олиб бормоқда. Эътиборлиси, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасига қўмита алоҳида аҳамият бермоқда. 1168 нафар аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, камқонликнинг олдини олиш мақсадида таркибида темир моддаси бор дори-дармонлар билан таъминланди. Марказий касалхона ҳузурида «Кўчма саломатлик маркази» ишлаб турибди. Бугунгача марказ жамоаси қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларини жадвал асосида айланиб 6 ойликдан 2 ёшгача бўлган болаларга, 12 ёшдан 40 ёшгача бўлган аёллар ва қизларга йод, темир моддаси бор малҳам-дорилар тарқатилди. Соғлом онадан соғлом, дуркун бола дунёга келади. Ўсмир ёшидаги қизларнинг соғлиғини кўз қорачиғидек сақлашдан муддао шу. Қишлоқларда яшаётган 1000 нафардан кўпроқ ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, 205 нафар бемор марказий шифохоналарда соғломлаштирилди. Бунинг учун бюджет ҳисобидан 1 миллион сўм маблағ сарфланди.

Оилани мустаҳкамлаш, ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш, никоҳ масъулияти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш туман қўмитасининг диққат марказида. Бу борада «Оила ва никоҳ» марказининг иши ибратли. 36440 хонадон, 19563 нафар ёш оилалар тиббий патронаж кўригидан ўтказилди. Туман ФҲДЁ бўлимида доимий ўқув курси фаолият кўрсатмоқда. Курсда малакали ҳуқуқшунослар, психологлар машғулот олиб бормоқда. Қисқа фурсат ичида 180 нафар келин-куёвлар 32 соатли ўқув курсини тугалладилар. Бўлғуси ёш оилалар иштирокида «Оила – Ватан таянчи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Ҳаёт остонасида турган келин-куёвлар оилалардаги шарқона одатларимиз, эр ва хотиннинг мажбурият ҳамда бурчлари, Оила Кодекси ҳақида атрофлича билим ва кўникма олдилар.

Спорт-соғломлаштириш ишларисиз соғлом оилани тасаввур қилиш мушкул. Хотин-қизлар қўмитаси қишлоқ спортини ривожлантириш, унда хотин-қизлар иштирокини фаоллаштириш бўйича ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, уни изчил амалга оширмоқда. 48 та маҳалладаги спорт иншоотларида спорт гимнастикаси, енгил атлетика, қўл тўпи тўгаракларида 20 минг спортчи хотин-қиз шуғулланмоқда.

Туман «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида 2004 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган қизлар ўртасидаги стол тенниси мусобақаси шодиёнага айланиб кетди. Хотин-қизлар байрами муносабати билан «Соғлом оила» шиори остида уюштирилган беллашувларда спортчи оилалар шоҳмот-шашка, тортишмачоқ, югуриш турнирларида куч синашдилар. Жалақудуқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Шуҳратбек Йўлдошевлар хонадони туманда маҳалладошларини ортда қолдириб, енгил атлетика устаси номини олди. Оила соҳибаси Муҳаррамхон Йўлдошева вилоят баҳсларида биринчи ўринни эгаллади.

Халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган маорифчи аёлларни эндиликда бутун мамлакат танийди. Биринчи даражали «Соғлом авлод» ордени нишондори, тил ўрганиш ва таълим бўйича халқаро «Акселс» танловининг совриндори 1-лицей инглиз тили ўқитувчиси Саодатхон Исмонова жорий йилда ушбу кўрикнинг тўртинчи маротаба ғолиби бўлди. Унга яқинда АҚШдан тўртинчи марта таклифнома келди. Иқтисодиёт коллежи талабаси Диловар Абдуллаева Зулфия номидаги давлат мукофоти республика танловининг иштирокчиси сифатида АҚШ илмгоҳларидан бирида бўлиб қайтди.

«Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурининг бажарилишида туман хотин-қизлар қўмитасининг жонбозлигини таъкидлаш жоиз. «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан биргаликда «Мурувват» маркази очилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 4 нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйлари, етим болаларнинг 17 нафарининг хатна тўйлари бевосита марказ ҳомийлигида ўтказилди. Бунинг учун 3 миллион 900 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Савоб юмушни ҳар ким, ҳар куни қилиш керак, дейдилар. Ижтимоий таъминот бўлими рўйхатида 52 нафар юролмайдиган ногирон турарди. Начора, ёзиғи шундай экан, уларга манзилли тиббий патронаж хизмати кўрсатиларди. «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси, туман «Нуроний» жамғармасининг уларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қўшма қарори эълон қилинди. Натижада ҳар бир ногирон биттадан енгил аравача билан таъминланди. Бу билан кўнгли ярим-талар ёруғ оламга қайта келгандек бўлдилар. Аравачаларни харид қилишга сарфланган 7 миллион 280 минг сўмлик харажатлар саховатпеша ҳомийлар ҳисобидан қопланди. Чунки ҳокимият билан тармоқ қўмитаси битишувида ногиронларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида бандлар киритилганди.

– Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори аёлларимизни ислоҳотларнинг фаол курашчисига айлантиришда муҳим қадам бўлди, - дейди биз билан суҳбатда туман хотин-қизлар қўмитаси етакчиси Мавлудахон Қурбонова. – Шу кунларда 250 нафар аёл хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес тармоғида хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг сафини 300 нафарга етказиш ниятимиз бор. Опа-сингилларимизни давлат ва жамиятдаги иштироқини кучайтиришга қаратилган кенг қамровли ишларни режалаштирганмиз. Ҳудудимиздаги 9 та қишлоқ, 60 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар бошланғич ташкилотларини янада кучайтириш, уларнинг нуфузини ошириш ниятидамиз. Педагог тарбиячилар таркибини қайта кўздан ўтказаяпмиз. Диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбиячи маслаҳатчилар сафини уддабурон, билимдон, ҳуқуқий саводхон, катта ҳаётий тажриба, юксак маданиятга эга фаол хотин-қизлар билан мустаҳкамлашга киришдик.

Ҳа, она оламни тебратадиган замонлар келди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: 1.Компенсация тўланиши учун ходимнинг педагоглик меҳнат стажи неча йил бўлиши керак?

2.II гуруҳ ногиронлик даври педагоглик стажига кирадими?

3.Менинг II гуруҳ ногиронлигим ҳисобга олинмасдан компенсация пули берилмаяпти. Шу тўғрими?

Б.АВЛОҚУЛОВА,
Шаҳрисабз тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан педагоглик ва илмий педагоглик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида компенсация пул тўловлари берилади. Бу Фармонда ёлғиз пенсионерлар, шунингдек, ўзгалар қаровига муҳтож бўлган ногиронларга ҳамда I гуруҳ кўзи ожиз ногиронларига татбиқ этилади дейилган. II гуруҳ ногиронлик даври педагоглик стажига кирмайди.

САВОЛ: Ўқитувчиларнинг иш ҳақидан уларнинг розилигисиз ушлаб колиниши ёки бир кунлик иш ҳаки бирон ташкилотга ўтказилиши учун маъмурият томонидан буйрук ёки карор чиқарилиши мумкинми?

М.АКБАРОВ,
Қува тумани 1-мактаб директори

ЖАВОБ: Ўқитувчиларнинг иш ҳақидан бир кунлик иш ҳаки бирон бир ташкилот ҳисоб рақамига ўтказилиши ёки шунча миқдорда ушлаб қолиниши борасида қарор ёки буйруқ бериш йўли билан тўлиқ пул бермаслик фақатгина ўқитувчиларнинг розилиги билан амалга оширилади.

САВОЛ:1. Мактабнинг тоифа белгилаш бўйича ҳайъат аъзолари ўрта махсус ва тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлган ўқитувчиларга энг юкори тоифалар-олий, I, II тоифа берилиши тўғрими?

2.Мактаб ўқитувчилари етакчиси ва тўгарак рахбарларига маълумотлари бўйича ким томонидан тоифа белгиланади?

3.Хисобчи ва иктисодчиларнинг I, II тоифасига кайси разряд билан хак тўланади?

Т.ОТАБЕКОВ,
Фориш тумани халқ таълими бўлими иқтисодчиси

ЖАВОБ: Таълим муассасаларидаги барча педагогларни аттестациядан ўтказиш бўйича фақат аттестация комиссияси шуғулланади. Ўрта махсус ва тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлганларга ҳам, ўқитувчилар етакчиси ва тўгарак раҳбарларига ҳам тоифалар берилиши мумкин. Бу масала билан Давлат тест Маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси шуғулланади. Ҳисобчи ва иқтисодчиларнинг I ва II тоифасидагилар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Биринчи гуруҳга кирувчилар:

Биринчи тоифа – 8-разряд;

Иккинчи тоифа – 7 разряд;

Иккинчи гуруҳга кирувчилар:

Биринчи тоифа – 7 разряд;

Иккинчи тоифа – 6 разряд;

Учинчи гуруҳга кирувчилар:

Биринчи тоифа – 6 разряд;

Иккинчи тоифа – 5 разряд асосида ҳақ оладилар

ОҲАНГАРОН ТАДБИРКОРЛАРИ

«Охангароннеруд» хусусий корхонасини очган Ҳайдарали Эгамназаров дарё ўзанидаги тошларни қайта ишлаб, аҳоли ва корхоналарга етказиб бермоқда. Янги иш бошлаган «Жаҳонгир» хусусий фирмаси оёқ кийими ишлаб чиқариш билан банд бўлса, «Micros HSE» кичик корхонаси эса компьютер йиғиш ва созлашга ихтисослашган.

- Маҳсулот тайёрлаш, хизмат кўрсатиш ҳажми ҳамда сифатини оширишда кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг ўрни катта, - дейди Оҳангарон шаҳар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Жиянов. - Шу боисдан кичик корхона ёки хусусий фирма очиш истагини билдирган тадбиркорларга зарур ёрдам кўрсатиляпти, шароит яратиб берилмоқда.

Йил бошидан буён шаҳарда элликдан зиёд тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтди. Уч юз саксонга яқин янги иш ўрни очилди.

(ЎзА)

Якинда Бухорода тарихчи олимлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давра сухбати ўтказилди. Давра сухбати хайр-саховат ва мурувват кўрсатиш тадбирларига бағишланди.

ХАЙР-САХОВАТДА ҲИКМАТ КЎП

Давра суҳбати иштирокчилари хайр-саховат азал-азалдан элимизга хос одат бўлиб, унинг тарихини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини қайд этишди. Мунозара чоғида хайр-саховат маданиятини ривожлантиришнинг йўналишлари ишлаб чиқилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг раҳбарлари Маърифат Аҳмедова ва Мавлуда Солиҳовалар инсонпарварлик тадбирларини амалга оширишнинг замонавий усуллари хусусида гапиришди. Мазкур ташкилотлар айнан шу йўсинда ўз вазифаларини бажаришмоқда.

Давра суҳбати иштирокчиларини тарихчи олим Баҳодир Қозоқов ўтмиш Бухорода хайр-саховат тўғрисидаги материаллар билан таништирди. Шу йўналишда иш олиб бориш хусусида нодавлат нотижорат ташкилотлари учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

"Туркистон-пресс"

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратишга алохида эътибор каратилмокда.

— Биргина Элликқалъа тумани ва Тахиатош шаҳрида хусусий секторни ривожлантириш учун 2002-2003 йиллар ва жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 720 миллион сўмдан ортиқ кредитлар сарфланди, — деди Республика Жўқорғи Кенгесининг иқтисодий ислоҳотлар, бюджет, банк, молиявий сиёсат ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Зарекеев. — Натижада уч юздан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Шунинг учдан икки қисми бевосита қишлоқ жойларга тегишлидир. "Бўстон", "Элликқалъа", "Қилшиноқ", "Сарибий", "Қирққиз", "Бегжоп", "Қирқ-қизобод", "Янгиер" ва "Дўстлик" хўжаликлари тўлиқ фермерлаштирилди, муқобил МТПлар, минерал ўғит ва нефт маҳсулотлари билан таъминлайдиган шохобчалар ташкил этилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича Тахиатош шаҳрида катта ишлар қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун Миллий банк, "Пахтабанк", "Саноатқурилишбанк", Халқ банки, Бизнес-фонд ва Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит линиялари очилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлашда Элликқалъа тумани ва Тахиатош шаҳри ҳокимликлари томонидан тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ишлаб чиқаришда улар улуши салмоғини кўпайтириш борасида ҳали кўп тер тўкилиши керак, — деди А. Зарекеев.

САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА САЙЛОВЧИЛАР

(Боши 1-бетда)

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Маблағларнинг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Демак, маблағ партиядан депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Шу ўринда ўша кўппартиявийликнинг номзодлар кўрсатиш борасидаги баъзи фикр-мулоҳазаларимизни келтирамиз.

Биринчидан, номзодни танлашда қатъий бир қарорга келиш. Яъни пухта ўйлаб, ягона қарорни танлашдир;

Иккинчидан, сиёсий маслаҳатчи-мутахассис ёрдамидан энг муносиб ва қулай майдонни танлаб, ундаги ҳар бир чуқурлик ва тепаликни ўрганиб чиққанидек, ҳар бир номзод ҳам ўз округи, унда яшаётган одамларнинг фикрлари, истак-хоҳишларини беш қўлдай билмоғи зарур;

Тўртинчидан, ҳаракат яратиш. Ўзини бошқалардан ажратиб турадиган мақсадни топиб, ишончли тилда уни одамларга етказиш. Бунинг учун, энг аввало номзоднинг ўзи ўша мақсадга қаттиқ ишониши лозим!

Хуллас, усул ва услублар хилма-хил. Улар таъсирида-га мурожаат қилиш. Бу усул, гарчи бизда кенг қўлланилмаса-да, ғарб давлатларида биронта сайлов компанияси бусиз ўтмайди. Сабаби – сиёсий маслаҳатчи номзодга ўз йўли, ғояси, сайловчилар ишончини қозона олишда айтадиган ўз сўзи, қисқаси, ўзлигини топишда кўмаклашади;

Учинчидан, сайлов округини тўғри танлай олиш. Ҳар қандай саркарда жанг олдидан ўз қўшинини ишлаб чиқиш. Бу масала анча мураккаб. Зеро, бу ерда номзоднинг бутун маҳорати ишга солинмоғи даркор. У сайловчилар руҳиятини тушунган ҳолда, улар билан мулоқотда қайси йўлдан бориши лозим, келажакда воқеалар қай йўсинда ривожланиши мумкин, каби энг муҳим саволларга жавоб топиши керак.

Бешинчидан, сўнгги вазифа ўз ғояси-концепциясини ёйиш маслаҳатчи номзодга ўз ғояси маслаҳатчи номзодга ўз йўли, ғояси, сайловчилар ишончини қозона олишда айтадиган ўз сўзи, қисқаси, ўзлигини топишда кўмаклашади;

Учинчидан, сайлов округини тўғри танлай олиш. Ҳар қандай саркарда жанг олдидан энг муносиб ва қулай майдонни танлаб, ундаги ҳар бир чуқурлик ва тепаликни ўрганиб чиққанидек, ҳар бир номзод ҳам ўз округи, унда яшаётган одамларнинг фикрлари, истак-хоҳишларини беш қўлдай билмоғи зарур;

Тўртинчидан, ҳаракат яратиш. Ўзини бошқалардан ажратиб турадиган мақсадни топиб, ишончли тилда уни одамларга етказиш. Бунинг учун, энг аввало номзоднинг ўзи ўша мақсадга қаттиқ ишониши лозим!

Хуллас, усул ва услублар хилма-хил. Улар таъсирида-ги сайловчининг қайси қутига бюллетень ташлашни ўйлаб, боши қотиши турган гап. Аммо бу танловда улар қайси номзодни ёқлашларидан қатъи назар, энг муҳим ҳақиқатни – ҳар бир ҳаракат ўз мақсадига эришиш йўлида, сиёсий «кўпкари»да улоқни олиб қочиш учун турли йўллар қўлланишини, лекин охирги сўзни барибир сайловчининг ўзи айтишини унутмасликлари лозим.

Сайловчи оқдан қорани ажрата олиши, келажак учун, юрт учун ва энг муҳими – унинг ўзи учун, ўз тақдири учун бирон наф келтирадиган номзод томонини эгаллаши керак. Сайлов масъулиятига бефарқ бўлиш ўз тақдирини бошқалар қўлига топшириб қўйиш билан баробар эканлигини англаб етиш зарур. Шунда сиёсий кураш бундан-да қизиқарли, ундаги томонлар баҳси эса янада савияли бўлади. Демак. икки палатали парламент сайловлари тобора яқинлашмоқда. Бу нафақат сайланувчи партиялар, биринчи навбатда сайловчилар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди.

Юртимиз тарихида биринчи бор шакллантирилаётган икки палатали парламентга сайловларни ташкил этиш ва демократик асосда уюшқоқлик билан ўтказиш сайлов жараёнининг барча иштирокчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида амалда қўлланилаётган сайлов тизими барча демократик талабларга жавоб беради. Бу тизим асосида фуқароларимиз ўз вакилларини давлат идораларига демократик принципларга асосан сайлаш имкониятларига эга бўлиб, ушбу асосда давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этадилар.

Карим НОРМАТОВ,
ТВДПИ профессори,
Шуҳрат ЭРГАШЕВ,
ТВДПИ доценти

Касаба уюшма аралашуви билан

ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Ангор туманилик Э.Аҳмедов ва Э.Нориев «Хомкон» ширкат хўжалигида насосчи бўлиб ишлаб келишаётганди. Кунларнинг бирида хўжалик раиси О.Қаландаров ва бош муҳандис А.Аҳмедов уларни ҳеч бир сабабсиз ишдан қувиб ҳайдайди. Қонуний ҳақ-ҳуқуқлари оёқ ости қилинган ишчилар бундан қаттиқ изтироб чекишади. Ниҳоят ўйлаб-ўйлаб ишдан ҳайдалиш сабабини сўраб раҳбар ҳузурига келишади. «Бу ерда менинг ҳукмим барча учун қонун. Айтиб қўяй, раис битта гапиради. Додингни кимга айтсанг айтавер» деб пўписа қиладди.

Бошлиқнинг муомаласидан ғурури озорланган жабрдийдалар туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулла Холбўтаевга мурожаат этишга мажбур бўлишади. Касабақўм уларнинг аризасини атрофлича ўрганиб чиқиб, хўжалик раиси, бош муҳандис, шикоятчилар ва хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Норматов иштирокида масалани ўртага қўяди.

Маълум бўлишича, насосчи вазифасида ишлаб келган Э.Аҳмедов ва Э.Нориевни ишдан бўшатиш тўғрисида раҳбариятнинг буйруғи йўқ экан. Шунга қарамай, уларнинг ўрнига бошқа кишилар ишга олинган. Раис ўзбошимчалик билан қонунга хилоф равишда ходимларни ишдан маҳрум қилган бўлиб чиқди. Ваҳоланки, ишчилар меҳнат фаолияти давомида бирон марта ҳайфсан олишмаган, ўз ишларини виждонан бажариб келишган.

Қонунбузар раҳбарга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси ва меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан уни бекор қилиш тўғрисидаги 3-бандида кўрсатилган қоидалардан чекинилганлиги уқтирилиб, шикоятчиларни ўз ишига тиклаш бўйича туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси томонидан ёзма кўрсатма берилди.

Жонкуяр касабақўм саъй-ҳаракати билан улар яна қадрдон жамоасига қайтиб, севган касбларини давом эттиришяпти.

Шунга ўхшаш қоидабузарлик ҳолати «Ангор пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ҳам содир этилади. Жамият тасарруфидаги «Пахтакор» ўйингоҳида ишлаб келаётган Раҳмон Тожиев корхона раҳбари Х.Абдураҳмоновнинг буйруғига кўра иш ўрни қисқартирилиши баҳонаси билан ишдан бўшатилади. У бундан норози бўлиб туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раисига ёзма мурожаат қилади. Мамлакатимизда спортга эътибор ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан жой олган бир пайтда раҳбарнинг бунга тескари равишда номаъқул йўл тутишига касабақўм етакчиси бефарқ қараб туролмайди. У ходимнинг иш ўрнини сақлаб қолиш тўғрисида жамият раиси Х.Абдураҳмоновга ёзма кўрсатма беради. Р.Тожиев яна ўз ишида меҳнат қила бошлади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Қонун барчага баробар

Ер – бебаҳо бойлик манбаи. Халкимиз бежиз ерни боксанг, ер сени бокади, деб айтмаган. Афсуски, айрим кимсалар ўз манфаатлари йўлида давлатга тегишли ер майдонларини ноконуний сотиб, унинг ортидан даромад топиш илинжида бўладилар.

ЕРНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛАЁТГАНЛАР

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар, тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан жойларда ҳолат ўрганилганда, қонун бузилишлар содир этилаётганлиги маълум бўлди. Жумладан, Неъмат Азимов номли ширкат хўжалиги пахтачилик бригадаси собиқ бошлиғи А.Бойматов «Иззатулло» фермер хўжалигига қарашли ушбу йил пахта ҳосили учун мўлжалланган 2,60 гектар ер майдонини бир нечта фуқароларга пуллаб юборган.

Яъни фирибгарлик, ўзгалар мулкини қўлга киритиш мақсадида хўжалик тасарруфида бўлган ер майдонларини уй-жой қуриш учун томорқа ажратиб беришни ваъда бериб, жами қишлоқдошларидан 560 минг сўм пул йиғиб олиб, ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Ушбу кимсанинг давлат мулки ҳисобланган ерни гўёки шахсий мулк сифатида хотиржам сотиб юборганлигига ажабланасан, киши.

Унинг ҳамкасби, айнан ушбу хўжалик пахтачилик бригадаси собиқ бошлиғи М.Қўшбоқов тутган йўл ҳам ҳеч бир амалдаги қонун-қоидаларга тўғри келмайди. Негаки, у ҳам ўзининг таниш-билишларидан томорқа ер майдони ажратиб беришга ваъда бериб, алдов йўли билан жами 800 минг сўм пул йиғиб олганлигига нима дейсиз.

Прокуратура томонидан деҳқон-фермерлар уюшмасида «Ер кодекси» бўйича тегишли маълумотлар ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вазифасини суиистеъмол қилиб, содда кишилар ишончига кириб ҳамда ўзгалар мулкини қўлга киритиш мақсадида фирибгарлик билан пул ундираётган нопок кимсалар давлатга қарашли ер майдонларини талон-торож қилишмоқда. Масалан, «Чўрош» деҳқон-фермерлар хўжаликлари уюшмаси ер тузувчиси Х.Дўнгбоев ушбу хўжаликда истиқомат қилувчи бир нечта фуқаролардан томорқа учун 238 минг сўм пул олиб, уларга қалбаки мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерлари берганлиги фош этилди.

«Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжалигининг бригадири Ў.Саидовнинг қилмишлари эса ҳаммасидан ўтиб тушди. Чунки, унинг ноқонуний ундирган пуллари «рекорд» даражасига кўтарилди. Ў.Саидов қишлоқ хўжалик экинларига мўлжалланган 1,20 гектар ер майдонини кўзни чирт юмиб 930 минг сўмга сотиб юборганлиги маълум бўлди. Ҳозирда ушбу шахслар қилмишлари устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Б.БОЙМУРОДОВ,
Пайариқ туман прокурори катта ёрдамчиси
Д.ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Биласизми?

ДАРМОНДОРИГА БОЙ

Апельсин ва лимон этида 9 фоизгача қанд моддаси бор. Уларда «С» дармондориси кўп.

«С» дармондори апельсин, мандарин ва лимоннинг этидан кўра пўстида кўпроқ. Меъдаси касалланган кишиларнинг апельсин ёки мандарин пўстини ейиши ярамайди, чунки унда меъдага ёмон таъсир этадиган эфир мойлари бор.

Чойга лимон солиб ичиш фойдали. У чанқовни яхши босади. Иситмалаётган, меъда ширасида кислота миқдори камайиб кетган беморлар, шунингдек, болалар ва кексаларга лимонли чой қўл келади.

А.АКБАРОВ

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



СОҒИНЧ

Қаерда бўлади одамнинг жони,
Қўлдами, оёқда, юракдами жон?
Агар билсам эди, бўлса имкони
Тирилтирар эдим сизни, онажон!

Армонларга буткул чек қўяр эдим.
Ёлвориб сўрардим эгамдан мадад:
Дунёда болалар қолмасин етим,
Оналар яшасин абадул-абад!

Невара, чевара, эвара...
Яна
Яна топиларди кўпдан-кўп номлар,
Зотан кифоядир туғилган сана;
Ўлимни ўйламас эди одамлар.

Афсус,
Иложи йўқ,
Бари хомхаёл,
Тириклик бор экан муқаррар ўлим.
Оналар ўлими – бу ҳам оддий ҳол,
Болалар топиши лозим ўз йўлин.

Барибир...
Қаерда одамнинг жони,
Қўлдами, оёқда, юракдами жон?
Агар билсам эди, бўлса имкони
Қайтариб келардим сизни, онажон!

БУ БИР МЎЪЖИЗА

Одамзот барибир соддадил,
Билмас
Бошга қўнмагунча нелигини бахт.
Бу бир мўъжизадир,
Бежизга келмас
Ва ташлаб кетмайди бежизга ҳеч вақт.

Нимадир хатолик ўтмаса биздан,
Бўлмасак беписанд муносабатда
Сира бош тортмагай хизматимиздан,
Сийлаганни сийлар,
Сийлар, албатта.

Вафо билан сайқал
Топажак умр,
Жафонинг жазоси муқаррар,
Лекин
Негадир шошамиз,
Борамиз ахир
Шошган жойимизга юрсак ҳам секин...

ПАРВОНА

Бу бир қонуният.
Курраи замин
Гўё ёш боладек умбалоқ ошиб
Қуёш атрофида парвона каби -
На яқин боролмас,
На кетмас қочиб.

Худди шундай мен ҳам гирди капалак,
Бир қанотим куйиб, бириси омон -
Тегрангда учаман,
Тинимсиз,
Халак,
Ёнингда қолишга тополмай имкон.

Кошки, бош оғриғи фақат мен бўлсам,
Бир оғиз сўзингга интиқ қари-ёш.
Сенга ҳеч осонмас,
Биламан, эркам,
Хоки пойинг бўлай,
Ерингман,
Қуёш!

ВИЖДОН

Ишонманг кулсалар виждон ўлди деб,
Жиғилдон ўлдирди ямлаб десалар.
Виждон абадийдир, бўлмас уни еб,
Тешиб чиқар бир кун агар есалар.

Сувга тушса чўкмас, ўтда ёнмас у,
Замбарак ўқи ҳам этолмас яксон.
У инсон қўл берса ушалган орзу,
Инсон юз ўгирса ушалмас армон!

* * *

Бир бурда нон, бир коса овқат,
Бир чойнак чой бўлса кифоя -
Аммо ғалат, кўзлар очофат,
Нафс ўпқондир, ғор бениҳоя.

Чумолилар ҳайратда ҳатто,
Сичқонлар ҳам ёқа ушлаган.
Туя ойлаб кезиб чўл-саҳро
Ҳеч бунақа ҳолга тушмаган.

Э одамзот, сенга не бўлди,
Мол-дунёга қўйдинг бунча хирс!
...Кўз тупроққа тўлгач,
Очилди,
Очиғида кўрмади, эсиз...

ТЎРТЛИКЛАР

Суюнма чиқди деб илон инидан,
Эришган бўлсанг-да ширин сўз билан.
Унутма илоннинг илонлигини,
Илонни дўст тутмас ўзини билган.

***

Дарахт учи бежиз қимирламас, рост,
Рақси ҳам шамолнинг оҳангига мос.
Шох ташлаб ўйнаши яхши-ку, лекин
Ёмон-да шох ташлаб синиши бехос.

***

Қутирган ит бошин ўтирма силаб,
Бехосдан олиши мумкин у тишлаб,
Яхшиси, боғлаб қўй ё воз кеч, ҳеч ким
Сени ёмон демас уни яхшилаб.

***

Бир этак кесакни отаверсанг гар,
Охири биттаси нишонга тегар.
Ва лекин бир ўйлаб кўргин-а, дўстим,
Қолганлари кимнинг бошига етар?

***

Булбулнинг нияти ғунчага аён,
Билгани учун ҳам ичи тўла қон.
Очилгач, булбули бир четда қолиб,
Бошқалар кўнглини овлаши ёмон.

Зайниддин РИХСИЕВ

Илҳом

ЧЎНТАК ФОНАРЧАСИ УЧУН

Америкалик олимлар чўнтак фонарчалари учун жажжи атом батареячаси ясадилар. Бу – строниций титанатдан тайёрланган керамек таёқча бўлиб, бир учида радиактив модда – стронций – 90 бор.

Изотопнинг парчаланишидан чиққан иссиқлик электр токига айланади. Батареячанинг қуввати бир вольтдан анча кам, лекин жажжи лампочкани ток билан таъминлаб туриш учун ҳам етарли.

Битта шундай батареяча бир кишигагина эмас, ҳатто унинг невара-чевараларига ҳам хизмат қилаверади.

Маънавият сабоқлари

Ёз иссиқ кунлар билан бирга тўйлар фаслини ҳам бошлаб келади. Халқимиз тўй ўтказишни ҳаётидаги асосий воқеа-ҳодисалардан бири санайди. Шунинг учун ҳам дастурхон бошида «Тўйдан бошимиз чиқмасин», «Тўйларга етказсин», «Тўйингизга келайлик», дея дуо қилишади. «Институтга кириш керак», «Дессертация ёқлаш керак», «Иморат қуриш зарур» каби ҳаётдаги асосий вазифа, мақсадлар қатори, албатта, «Тўй қилишимиз шарт», деб қўйишади. Бу – бежиз эмас, шунчаки ўрганиб, қўникиб қолганликдан ҳам эмас. Тўй удумларида халқимизнинг минг-минг йиллик қадриятлари бор. Улардан ибратга муносиблари қанча. Тўй – маънавиятимизнинг ўзига хос бир майдони. Албатта, бу маросим ҳам бир нуқтада котиб турмайди. Даврга мос бойиб, зийнатланиб боради.

ТЎЙ ФАҚАТ ТОМОША ЭМАС

Кейинги пайтларда ФҲДЁ ходимлари тўй тантаналарининг ўзида никоҳни қайд этаётгани, бу инсон умридаги такрорланмас лаҳзаларга кўпнинг гувоҳ бўлиши, келин-куёвнинг меҳр изҳори сифатида ота-оналарига гулдаста тақдим этиши тантанага чирой бахш этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бир маҳалладаги келин-куёвларга бир кунда қишлоқ клуби ёки боғида тўй қилиш ҳам водий тарафларда расмга кирган. Бу ҳам яхши янгилик. Аммо тўйларимизда ўйлаб кўришга, таҳлилга арзийдиган жиҳатлар ҳам бор, албатта. Санъаткорлар – тантананинг жони. Уларсиз базм базмми? Аммо ҳаддан зиёд бақириб турадиган овоз кучайтиргичлар қўшиқдаги жозибани «еб» юборишини санъаткорлар билишармикан? Ҳатто, 100-200 кишилик тўйларда ҳам овоз кучайтиргичларни энг баланд пардага кўтариб қўйишади. Меҳмонлар бир-бирини эшитиш қийинлиги учун бор овоз билан бақириб гапиради. Оқибатда тўйхона шовқинхонага ўхшайди.

Эътибор қилган бўлсангиз, бизда «Тўйбоп ашулалар» деган ибора пайдо бўлган. Бу пойинтар-сойинтар сўзлар тизмаси бўлган, «ўлдим-куйдим» дан иборат, санъатдан йироқ бир нарсалар. «Шўх қўшиқларга рақсга тушади-да одамлар...» деб ўзларини оқлаб қўйишади. Чиройли сўзлари, оҳанглари рақсга қуйиб қўйгандек тушиб турадиган лапарлар, халқ термалари шўх эмасми? Уларни замонавий мусиқа билан янгилаб айтаётганлар халққа севимли бўлиб бораётганини кўриб турибмиз-ку. Умуман, «тўйбоп» қўшиққа ҳар нарса кетайверади, дегани тўй аҳлига ҳурматсизлик эмасми? Тўйга ҳам концерт залларига бориб томоша кўрадиган одамлар келадику. Улар ташқарида халқу, тўйхонада оломонга айланадими?!

Яхши ният билан ёзилган дастурхонимиз бошида қилинадиган яна бир одат одамни хижолатга солади. Айрим бойваччалар боши қизигач, чўнтагидан пул олиб ўзи ихлос қўйган санъаткор бошидан сочади. Рост, момоларимиз келин-куёв бошидан ширинликлар, кумуш тангалар сочишган. Бу расмда ҳаёти ширин бўлсин, пиру бадавлат бўлсин, деган тилаклар бор. Аммо пул сочишни бу одатнинг замонавийлашган кўриниши деб бўлмайди. Пулда мустақил Ватан рамзлари бор, муқаддас зиёратгоҳлар суврати бор. Унинг оёқ остида сочилиб туриши болалар кўзида ҳам, меҳмонлар нигоҳида ҳам хунук манзара касб этади. Тўйнинг бирорта қисми «Бу одамларда миллий ғурур йўқ» деган ўта оғриқли тўхтам туғдирмаслиги керак.

Ҳозир ҳар бир маҳаллада тўй комиссиялари бор. Жойлардаги маданият уйи ходимлари, маҳаллий ансамбллар тўйларда хизмат қилади. Ҳадеб бир хил табригу ўйин-кулгуни такрорлайвермай, қизиқарли сценарийлар ўйланса...

Бу фикримизга «Нима, энди тўй мажлисга айлансинми» деган эътироз бўлиши мумкин. Йўқ, мен тўйни қолиплаш фикридан йироқман. Аммо шунча одамни бир жойга тўплаш, икки-уч соат ушлаб ўтириш осонми? Ана шу йиғилиш, анжуман бекорга кетмаса, йиғилганлар маънавий озуқа олса, ёшлар ҳам бу кунни умрбод эслаб юрсалар дейман. Меҳмон ҳам, мезбон ҳам тўйнинг томошабини эмас, иштирокчиси бўлса, ҳар тантана фақат томоша эмас, маънавий тадбир бўлса, дейман. Ибратли воқеалар, халқ ўланлари, айтишувлар, ҳам кулги, ҳам улги олиши мумкин бўлган – беҳаё, бепардаликдан йироқ қизиқчиликлар, баҳру байтлар – қаранг, қанчалар нақшлар бор қалбимизда. Тўйга тайёргарлик деганда одатда фақат дастурхон, нознӗмат ҳақида ўйланади. Майли, бу ҳам керак. Аммо тўй дегани фақат «тўй!» дегани эмас-ку. Одам боласи ярим пиёла сув, бир бурда нонга қаноат қилади. Аммо кўнгилни тўлдириш, маънавий эҳтиёжни қаноатлантириш осон эмас. Бу жиддий иш. Бу «Ҳа, бир кунда ўтадикетади» дея тўйга ўткинчи базмдек қараш масъулиятсизлик, менимча. Қалбимиздаги бор гўзалликлар тўкилса, тўйлар янада файзга тўларди.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Ажойибот

Кўча-куйда бир хилда кийинган, бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш жажжи эгизак болакай ёки қизалоқларни кўрсак, ҳеч биримиз бефарқ ўтолмаймиз. Уларга ҳавас ва иштиёқ билан қараб қўямиз. Хўш, ажойиб оламнинг ажойиб мўъжизаси бўлмиш эгизаклар ҳақида қанчалик хабардормиз.

Халқимизда жуда яқин кишилар тўғрисида «уларнинг киндиги бир» деган ибора юради. Эгизаклар ҳам худди шундай: киндиги бир. Шунинг учун ҳам улар туғилганиданоқ бир-бирига интилади. Ҳали тузук-қуруқ ўрмаламаган муштипар гўдак ўз эгизагига яқин бўлишга интилади. Яна бир қизиқ, ажабтовур ҳолат: қузатишларга кўра, аксарият ҳолатларда эгизакларнинг биринчи айтган сўзи «мен» эмас, балки «биз» бўларкан.

ЭГИЗАКЛАР

Эгизаклар тўғрисида эътиборга лойиқ яна бир жиҳат шуки, агар улар ўғил болалар бўлса, одатда кўпроқ оналарига боғланади. Чунки она улар ўртасидаги фарқни ҳаммадан кўра яхшироқ кўра олади. Қизалоқ эгизаклар эса, мутахассисларнинг фикрича, анчагина инжиқ бўлишади. Улар доимо диққат-эътибор марказида бўлишни, «юлдузли онлари» тугамаслигини хоҳлашади. Шунинг учун ҳам қиз эгизакларни тарбиялаш анча оғир кечади. Мабодо эгизаклар икки жинс вакиллари бўлишса, жуфтликда қиз бола устунлик қилади. Негаки у тезроқ ривожланади, олдинроқ юради, гапиради, улғаяди. Лекин бундан ваҳимага тушмаслик керак. Улар ўртасидаги фарқ бир неча йиллар ўтиши билан йўқола боради, ақлий ва жисмоний тенглик таъминланади.

Эгизаклар бошқа эгизак бўлмаган тенгдошларидан ўсиб-улғайишда чунончи, ақлий ривожланишда бироз ортда қолиши кузатилган. Улар ўз тенгдошларига нисбатан ўзларини кечроқ таний бошлашади. Ўз исмларини кечроқ биладилар. Психологларнинг таъкидлашларича, бунга асосий сабаб эгизаклар ўртасидаги бемисл яқинлик ҳамда шу яқинлик асносида ташқи олам янгиликларини кечроқ ва камроқ қабул қилишларидир. Бошқача қилиб айтганда, нафақат ташқи кўриниш, балки қалбан ҳам бир бутун бўлган ўхшашлар ўз оламлари – эгизаклар оламида кўпроқ яшашни исташади.

Дилафрўз ҒАЙБИЕВА

КАЛАМУШДА ТОК

Америкалик муҳандислар ясаган жажжи радиопередатчик каламуш танасида ҳосил бўлган электр энергиясидан озиқланади. Танага уланган электродлар жонворга заррача озор бермаган ҳолда энергиясини «сўриб олади».

Передатчик 155 микроватгача энергия сарфлайди.

А.АЛИЕВ

БИТИРУВЧИЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиларининг кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Бадиий академия аъзолари, талабалар, ота-оналар ва тасвирий санъат мухлислари иштирок этди.

— Бугун 108 нафар бакалавр ва 26 нафар магистрга дипломлар топширилди, — деди институтнинг 1-проректори, таниқли рассом Рустам Худойберганов. — Булардан тўққиз нафари имтиёзли дипломларни олишга муваффақ бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, бугунги институтни битириб чиқаётган талабалар аввалги йилларидагидан сифат жиҳатдан бутунлай фарқ қилади. Битирувчиларнинг кўргазмага қўйилган ишлари ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Талабаларнинг кўпгина ишлари юксак бадиий маҳорат билан яратилган. Ёш рассомларнинг ишларида уларнинг жаҳон замонавий ва классик рассомлари ижоди билан бирга ўзбек рассомларининг ижодини ҳам чуқур ўрганганликлари кўриниб турибди. Бугунги ёшларимиз ижодида миллий руҳнинг бўртиб турганлиги айниқса кишини қувонтиради.

Р.Худойбергановнинг таъкидлашича, бугунги кунда институтни битириб чиқаётган мусаввир ҳам спортчи каби ҳар куни машқ қилиб туриши керак. Мунтазам ўз устида ишламаган ижодкор бир жойда қотиб қолади.

"Туркистон-пресс"

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

Кегейли туманининг «Халқобод» шаҳарчасида янги болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда тумандаги мавжуд элликка яқин спорт секциясида қарийб 4 минг бола спорт билан мунтазам шуғулланади. Ушбу янги иншоот ишга тушиши билан уларнинг сони янада ошадиган бўлди.

(ЎзА)

Евро – 2004

«Ҳандалак»чилар Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевларнинг ичакузди ҳангомаларини кўп эшитганмиз. Яқинда улар лофчилар маҳалласига бориб колгани-ю, «бўлиши мумкин эмас» баҳсида қандай ютиб чиққанликларини мирикиб томоша қилганлигимиз ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ.

ЮГУРГАННИКИМАС, БУЮРГАННИКИ

Чехия ва Греция ўртасидаги учрашув бизга ушбу нақлни эслатди

Футбол шарҳини нега бундай бошлаганимизни зийрак муштарийларимиз дарҳол тушуниб етишди. Гап куни кеча Евро-2004 учрашувларининг тартиб рақами бўйича ўттизинчиси, яъни финал олдиси ҳақида кетаётир. Чехия ва Греция олтин медаллар учун курашни давом эттириш мақсадида майдонга тушдилар. Ким ютади, кимга омад кулиб боқади, деган азалий саволга жавоб топиш учун ўйинга қадар қандай башоратлар қилингани хусусида гапирмасак ҳам ҳаммаси тушунарли. Жуда кўпчилик чехлар, гарчанд осонлик билан бўлмаса-да, албатта финалга чиқишини башорат қилганди. Ҳар ҳолда Карел Брюкнер шогирдларининг ҳатто иккинчи таркиб билан ҳам чиройли ўйин кўрсата олишига барчамиз ишонч ҳосил қилганмиз. Боз устига, Недвед, Барош, Ян Коллер, Паборски каби футбол юлдузларига эга бўлган жамоага унча-мунча команданинг тиши ўтмаслиги аниқ.

Лекин шу куни биз ғалати ҳолга гувоҳ бўлдик. Гўё бари рисоладагидек кетаётгандек эса-да, негадир Никополидис соқчилик қилаётган қўрғонни забт этишга бўлган уринишлар ҳадеганда самара беравермади. Марек Янкуловскининг бир ўзи камида уч марта гол уриш имкониятини қўлидан бой берди. Коллер ва Барошдан ҳам очиқчасига омад юз ўгирди. Беихтиёр юнонистонлик футболчилар Португалияга ёнига қандай сўзлар тушурилган автобусда келганлиги ёдга тушди. Футболчилар қадимий Эллада худоларига қиёсланган эди. Ажабо, наҳотки «миллионлар ўйини»га ҳам илоҳий кучлар аралашган бўлса!

Агар янглишмасак, «ҳандалак»чилар ҳам ушбу ўйинда греклар ғалаба қозонади, дейилса, бир оғиздан «бўлиши мумкин эмас» деб жавоб қилган бўлардилар. Лекин энди гувоҳига айланганимиздек, чиндан-да немис мутахассиси Отто Рехагелнинг юнонистонлик шогирдлари ўз худоларини ҳам ҳайратга солиб финалга чиқдилар. Машҳур ҳакам Пьерлуиджа Коллина томонидан қўшиб берилган ўттиз дақиқаликнинг биринчи бўлими тугашига саноқли сониялар қолганда Траянос Деллас Петр Чех дарвозасига боши билан киритган тўп ўйин тақдирини узил-кесил ҳал қилди.

Чемпионатнинг илк учрашувидаёқ аламзада бўлиб қолган майдон эгалари учун ажойиб имконият туғилди. Ўшанда Сколари шогирдлари 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйиб, мураккаб аҳволда қолган эдилар. Тақдир тақозоси билан бир гуруҳда саралаш баҳсларига киришган рақиблар яна ўзаро рўбарў келадиган бўлишди. Камдан-кам учрайдиган ҳол. Кўрамиз, греклар яна қандай совға тайёрлаб қўйдилар экан? Ёки бундан икки йил аввал Узоқ Шарқда бўлгани сингари Сколари биринчи бўлиб шогирдларини қутлармикан?

Хуллас, 4 июлда олтин ва кумуш медаллар шодаси ўз эгаларини топади.

Ўқинг,қизиқ!

МИНГ КЎЛ ЎЛКАСИ

Табиатнинг ажойиботлари ҳам, офатлари ҳам кўп. Ернинг нарсаларни ўзига тортиш кучи, оғирлик кучи, баъзан тоғ ён бағирликларидан бағоят кўп жинсларнинг пастга сурилиб кетишига сабаб бўлади. Географлар бу даҳшатли ҳодисани сурилма деб атайдилар. Айниқса, тоғли мамлакталарда сурилма ҳодисаси тез-тез бўлиб туради.

Қадимги географлар Помирни «Минг кўл ўлкаси» деб аташган экан. Дарҳақиқат, Помир дараларида кўллар озмунча эмас. Уларнинг кўплари тоғнинг қулаб, сув йўлларини тўсиб қўйиши натижасидир.

Помирдаги энг катта сурилмалардан бири, масалан, 1911 йилнинг февралида бўлган эди. Ўшанда Усой деган жойда зилзиладан тоғ қулаши туфайли Мурғоб дарёси дарасида чуқурлиги 500 метр бўлган ва Сарез деб аталган кўл вужудга келган эди.

Ҳозир унинг узунлиги қарийб 80 километр бўлиб, суви 20 куб километрга баровардир. Аличур дарёси дарасидаги яшилкўл ҳам худди шундай кўллар жумласидан.

НИМ ТАБАССУМ

Кекса овчи ўзининг Ҳиндистондаги саргузаштларини гапириб бермокда:

– Шунда йўлбарсга ташландим-да, бир ҳамла билан думини кесиб ташладим.

– Нега бошини эмас? - деб сўради тинглаб ўтирган аёллардан бири.

– Бошини мендан аввал кимдир кесиб ташлаган экан.

* * *

– Хотин, бугунча телевизорни тўрга қўяйлик.

– Нега? Турган жойи яхши-ку?

– Тўғри-ю, аммо бугун хўжайин телевизорга чиқадиган эдилар.

* * *

– Сизга тегишга рози бўлмасам, нима қиласиз?

– Ўзимни осаман.

– Ростдан-а?

– Ҳа, мен ҳамма вақт шунақа қилиб келганман.

* * *

Бир хотиннинг эри уйига иккита чангютар олиб келипти.

– Нега сиз доим ҳамма нарсани иккитадан олиб келасиз? - деб сўради хотин ранжиб.

– Мабодо, ажралишсак қийналмаймиз-да!

* * *

Янги котиба телефон жиринглаганда дастакни сира кўтармай, директорни роса хуноб қилипти. Охири, директор ранжиб шундай деипти.

– Тушунсангиз-чи, дастакни кўтариш – бевосита сизнинг вазифангизга киради.

– Яхши, - депти котиба мўлтираб, – лекин ўнта қўнғироқдан тўққизтаси менга эмас, сизга бўлади-ку?

* * *

– Доктор, эримнинг ўнг оёғи чап оёғидан калтароқ. У шўрлик бу аҳволда нима қилсин?

– Оқсасин.

* * *

Ҳазрати олийлари, бу қуш қанақа қуш, айтоласизми? - деб сўради ўқитувчи шаҳзодадан.

– Бу бургут! - деб жавоб берди шаҳзода.

– Жуда тўғри! Бу – бургут, лекин дунёдаги бургутларнинг энг кичкинаси. Уни бошқача қилиб, чумчуқ деса ҳам бўлади.

* * *

Уч қизнинг отаси бўлғуси куёвга дейди:

– Шундай қилиб, сиз кичик қизимга уйланмоқчимисиз? Майли, мен розиман. Лекин шуни билиб қўйингки, унга сеп бермайман. Агар ўртача қизимни оламан десангиз, унга сеп ўрнида автомобил бераман. Катта қизимга уйланганга эса ундан ҳам кўпроқ бераман.

Йигит бир дақиқа ўйланиб тургач, сўради:

– Қизларингиз бор-йўғи учта, холосми?

* * *

– Соат неча бўлдийкин, билмайсизми?

Йўловчи чап чўнтагидан битта соат олиб, унга қарайди, сўнг ўнг чўнтагидан яна битта соат олиб, уни ҳам кўради-да, дейди:

– Ўндан ўн саккиз дақиқа ўтипти.

– Раҳмат! Жуда ҳам аниқ иш юритар экансиз.

– Йўқ. Ўнг чўнтагимдаги соатнинг кичкина мили тушиб қолган, чап чўнтагимдагининг катта мили йўқ.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 23456